

ХАЛҚ СЎЗИ



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

23 декабрь, жума, 1994 йил
Сотувда эркин нархда. № 250 (998)

ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДАГИ МУҲИМ ҚАДАМ

Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифининг иккинчи кунини хайрли тадбирдан -- буюк ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий хотирасини ёд этишдан бошланди. 22 декабрь кунини у Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ҳамроҳлигида аллома ҳайкали пойига гуллар қўйди. Мамлакатимиз раҳбари Александр Лукашенкога Алишер Навоий қолдирган беқиёс мерос, Ўзбекистоннинг бой маданияти ва маърифий тарихи ҳамда ёш авлодларнинг ушбу қадриятларга содиқлиги ҳақида сўзлаб берди.

Машиналар карвони Навоий номидаги миллий боғдан халқлар дўстлиги саройи томон йўл олди. Олий мартабали меҳмон шаҳарнинг диққатга сазовор жойларини, хусусан, Халқлар дўстлиги майдонини муҳташам бинолар мажмуасини алоҳида бир қизиқиш билан томоша қилди. Ислам Каримов Александр Лукашенкога шаҳар тарихи ҳақида сўзлар экан, 1966 йилдаги Тошкент зилзиласидан сўнг беларус курувчилари ўзбекистонлик биродарларига қўллаб янги турар жой бинолари барпо этишда катта кўмак берганини айтди.

Шундан сўнг Халқлар дўстлиги саройида икки давлат раҳбарларининг тор доирадаги суҳбати бўлиб ўтди.

Айни пайтда эса саройнинг иккинчи қаватида Ўзбекистон билан Беларус Республикалари ҳукуматларининг делегациялари ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Делегация аъзолари ҳар икки республика вазирликлари, турли муассасалари ўртасида манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш, ўзаро маҳсулот



айрибошлаш ҳамда савдо-иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш мақсадларини муҳокама қилдилар. Сўнгра мазкур музокарада Ўзбекистон Президенти Ислам Каримов ва Беларус Президенти Александр Лукашенко иштирокида, кенгайтирилган таркибда давом этди.

Музокаралар якунида давлатлараро, ҳукуматлараро ҳамда ҳар икки давлат муассасалари ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорлик оид жами 18 ҳужжат имзоланди. Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ҳақидаги Декларация ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан Беларус Республикаси ўртасида даромад ва мулклардан икки томонлама ўзаро солиқ олмаслик, автомобил, темир йўл, ҳаво йўли ва почта алоқа-

си бўйича ҳамкорлик ҳақидаги ҳамда 1995 йилга мўлжалланган савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги ҳужжатларга Ўзбекистон Бош вазирлиги Ислам Каримов ҳамда Беларус Президентини Александр Лукашенко имзо қўйди.

Шунингдек, Ўзбекистон билан Беларус Республикалари Ташқи ишлар вазирликлари ўртасида маслаҳатлашувлар ҳақидаги протокол ҳамда тармоқлараро ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон раҳбари Ислам Каримов ва Беларус давлати бошлиғи Александр Лукашенко олий даражадаги учрашувлардан сўнг маҳаллий ҳамда хорижий журналистлар билан учрашиб, уларнинг музокара-

лар якунига оид саволларига жавоб қайтардилар. Музокарада Ўзбекистон Республикаси Бош вазирлиги А. Муталов қатнашди.

Шу кунини Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко Тошкентдаги Экспомаказга ташриф буюрди. Беларус раҳбари бу ерда Ўзбекистоннинг музокарадаги эришган ютуқлари намуналари билан яқиндан танишди.

Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

Шу кунини Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенко Тошкентдаги Экспомаказга ташриф буюрди. Беларус раҳбари бу ерда Ўзбекистоннинг музокарадаги эришган ютуқлари намуналари билан яқиндан танишди.

Беларус Республикаси Президенти Александр Лукашенконинг мамлакатимизга расмий ташрифи давом этмоқда.

СУРАТЛАРДА: икки томонлама ҳужжатларни имзолаш пайти; Тошкент билан танишув ва одамлар билан санимий учрашув. Ф. ҚУРБОНОВЕВ ва Р. ШАГАЕВ олган суратлар (ЎЗА).

Александр ЛУКАШЕНКО: «БИЗ ИСЛОҲОТЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ЎЗБЕКИСТОН ЙЎЛИДАН БОРАМИЗ»

Ўзбекистон ва Беларус халқларининг дўстлиги ва ҳамкорлик алоқалари тарихи узоқ йилларга бориб тақалади. Истиқболга эришиб, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида илк ладил қадмлар қўяётган икки дўст мамлакат айни замонда янги асосдаги мустаҳкам ҳамкорликка эҳтиёж сезмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов икки мамлакат расмий делегациялари музокаралари якунланган, маҳаллий ва хорижий мамлакатлар журналистлари билан учрашув чоғида бу эҳтиёжни иноватта олган ҳолда ҳаракат қилиш халқларимиз манфаатларига мос келишини таъкидлаб ўтди.

Беларус Республикаси Президенти Ислам Каримов фикрини тасдиқлар экан, Ўзбекистон пахтасининг мамлакатга келтирилиши Беларус енгил саноат мажмуида меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун катта совға бўлишини айтди. Зеро, бу мамлакатдаги минглаб аёлларнинг иш билан таъминланиши имконини беради. Беларус раҳбари ўз мамлакатининг ҳамкорлик ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тўла тушуниш ва қўллаб-қувватлашга сазовор бўлгани ҳақида сўзлар экан, ҳали ҳеч қандай бундай амалий ёндашувга дуч келмаганини айтди.

Биз бу ерда тартиб ва интизомни, Ўзбекистон тинчлиги донолик билан бошқарилаётган мамлакатни кўрдик, -- деди Беларус раҳбари. -- Бу Президент Ислам Каримовнинг узоқни кўриб билишини, ислохотларни ўтказишнинг у ишлаб чиққан назарияси тўғрисидаги тасдиқлариди. Биз Ислам Каримовни ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтиш гоёси назариясига сифатида хурмат қиламиз ва ўз мамлакатимизда ислохотларни ўтказишда Ўзбекистон тажрибасига таянамиз. Шу ўринда Ислам Каримовдек раҳбар пешонасига битган Ўзбекистон хал-

Тошкент трактор заводи Минскдаги шу соҳага ихтисослашган заводларда тайёрланган эҳтиёт қисмлар, двигателларга эҳтиёж сезмоқда. Беларус саноатидаги кўплаб корхоналар эса Ўзбекистондан келтирилган пахта ҳисобига ишлайди. Айни пайтда бундай корхоналар 25-30 фоиз қувват билан ишламоқда. Ўзбекистон раҳбари қабул қилинган ҳужжатлар уларнинг тўла қувват билан ишлашини таъминлашга қолмай, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этишга имкон беришини қайд этди.

Беларус Республикаси Президенти Ислам Каримов фикрини тасдиқлар экан, Ўзбекистон пахтасининг мамлакатга келтирилиши Беларус енгил саноат мажмуида меҳнат қилаётган хотин-қизлар учун катта совға бўлишини айтди. Зеро, бу мамлакатдаги минглаб аёлларнинг иш билан таъминланиши имконини беради. Беларус раҳбари ўз мамлакатининг ҳамкорлик ҳақидаги таклифлари Ўзбекистон раҳбарияти томонидан тўла тушуниш ва қўллаб-қувватлашга сазовор бўлгани ҳақида сўзлар экан, ҳали ҳеч қандай бундай амалий ёндашувга дуч келмаганини айтди.

Беларус Президентининг сўзларини тинглаб, Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлагани ҳақида гап кетганда, аввалига бунга ишонқирмавий қараганлар ҳам бўлгани эсга тушди. Манга, ватанимиз ўз йўлини танлаганига эндилик на уч йил бўлди. Лекин танлаган йўлимиз тўғрисида аллақачон аён бўла бошлади. Ҳатто, айрим мамлакатлар бу йўлни ўзларига андоза сифатида қабул қилмоқдалар. Ислам Каримов хорижий журналистларнинг Ўзбекистонда 25 декабрда ўтказилган парламент сайлови ҳусусидаги саволларига ҳам апрофича жавоб берди. Кўп-партиялик асосидаги бўла-ёқ сайловнинг демократик моҳиятига тўхтади.

Ўзбекистон Президентининг сўзларини тинглаб, Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлагани ҳақида гап кетганда, аввалига бунга ишонқирмавий қараганлар ҳам бўлгани эсга тушди. Манга, ватанимиз ўз йўлини танлаганига эндилик на уч йил бўлди. Лекин танлаган йўлимиз тўғрисида аллақачон аён бўла бошлади. Ҳатто, айрим мамлакатлар бу йўлни ўзларига андоза сифатида қабул қилмоқдалар.

Ислам Каримов хорижий журналистларнинг Ўзбекистонда 25 декабрда ўтказилган парламент сайлови ҳусусидаги саволларига ҳам апрофича жавоб берди. Кўп-партиялик асосидаги бўла-ёқ сайловнинг демократик моҳиятига тўхтади.

Ўзбекистон Президентининг сўзларини тинглаб, Ўзбекистон ўзига хос ва ўзига мос тараққиёт йўлини танлагани ҳақида гап кетганда, аввалига бунга ишонқирмавий қараганлар ҳам бўлгани эсга тушди. Манга, ватанимиз ўз йўлини танлаганига эндилик на уч йил бўлди. Лекин танлаган йўлимиз тўғрисида аллақачон аён бўла бошлади. Ҳатто, айрим мамлакатлар бу йўлни ўзларига андоза сифатида қабул қилмоқдалар. Ислам Каримов хорижий журналистларнинг Ўзбекистонда 25 декабрда ўтказилган парламент сайлови ҳусусидаги саволларига ҳам апрофича жавоб берди. Кўп-партиялик асосидаги бўла-ёқ сайловнинг демократик моҳиятига тўхтади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ҲАМДА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ВИЛОЯТ, ТУМАН ВА ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ДЕПУТАТЛИГИГА НОМЗОДЛАР УЧУН ОВОЗ БЕРИШ ТАРТИБИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари депутатлигига номзодлар учун овоз бериш 1994 йил 25 декабрь кунини эрталаб соат 7.00 дан бошлаб кеч соат 20.00 гача давом этади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисидаги Республика Қонунининг талабига кўра овоз бериш жараёни қуйидагича ташкил этилади.

Сайловчи овоз бериш бисига келган, участка сайлов комиссиясининг аъзосига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни кўрсатади ва сайловчилар рўйхатига имзо қўяди. Шундан кейин унга сайлов бюллетени берилади.

Ҳар бир сайловчи фақат бир овозга эга бўлиб, ўзи учун сайлов бюллетени олиб, овоз бериш ҳуқуқига эга. Бошқа оила аъзолари учун бюллетень олиш ва овоз бериш қатъийан тақиқланади.

Сайлов бюллетени овоз берувчи томонидан яширин овоз бериш кабинаси ёки хо-

насида тўдирилади.

Сайлов бюллетенини тўдириш вақтида овоз берувчи билан бошқа шахсларнинг овоз бериш кабинаси ёки хонасида ҳозир бўлиши тақиқланади. Сайлов бюллетенини мустақил равишда тўдириш имконига эга бўлмаган сайловчи ўз хоҳишига кўра сайлов комиссияси таркибига кирмаган шахсни кабинга ёки хонага тақлиф қилиши ҳақида.

Сайловчи ўзи қарши овоз бераётган номзодларнинг сайлов бюллетенидаги фамилияларини ўқиради.

Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ номзоднинг фамилияси ўқилган бўлиб, сайловчи шулардан ўзи овоз бермоқчи бўлган биттасини қолдириб, қолган икки номзоднинг фамилияси устидан чиқиб қизиқиб, қарши овоз берганлигини билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатини сайлаш бўйича

САЙЛОВ БЮЛЛЕТЕНИ

ИЗБИРАТЕЛЬНЫЙ БЮЛЛЕТЕНЬ

по выборам депутата Олий Мажлиса Республика Узбекистан 25 декабря 1994 года

1994 йил 25 декабрь

Сайлов округининг номери ва номланиши

Название и номер округа

НАМУНА	ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КАНДИДАТЫ В ДЕПУТАТЫ	ОБРАЗЕЦ
Исламов Забугдун	Тузилган йили, партиявийлиги, эгалаб турган лавозими	Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан
Усмонов Рустам Екубович	Ҳол рождения, партиявийлиги, занимаемая должность	От Народно-демократической партии Узбекистана
Султонов Абдурауф	Тузилган йили, партиявийлиги, эгалаб турган лавозими	Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашидан
	Ҳол рождения, партиявийлиги, занимаемая должность	От Ташкентского городского Совета народных депутатов
	Тузилган йили, партиявийлиги, эгалаб турган лавозими	Ўзбекистон «Ватан тараққиёти» партиясидан
	Ҳол рождения, партиявийлиги, занимаемая должность	От партии «Ватан тараққиёти»

Сиз қарши овоз бераётган депутатликка номзодларнинг фамилияларини ўқиб ташланг. Овоз бериш чоғида биттадан ортиқ депутатликка номзоднинг фамилияси қолдирилган сайлов бюллетени ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

Вычеркните фамилии кандидатов в депутаты, против которых голосуете. Избирательный бюллетень, в котором при голосовании оставлено более одного кандидата, признается недействительным.

Гарчи сайловчи сайлов бюллетенига қўшимча тарзда бирор бир кишининг фамилиясини ёзиб қўйса, ёки бошқа бир ёзув қолдирса, булар иноватта олинмайди.

Айрим сайловчилар саломатлигининг яхши эмаслиги ёки бошқа сабабларга кўра овоз бериш бисига кела олмаганини тақдирда, аввалдан участка сайлов комиссиясига мурожаат этиб, овоз беришни ўзи турган жойда ташкил этилишини илтимос қилиши мумкин.

Амиркула КАРИМ. (ЎЗА).

Президент фармонлари қандай бажариляпти?

НОИНСОФЛИК ЭВИ БИЛАН-ДА...

Ўз меҳнатининг қадрига етмайдиган одам ўзганинг меҳнатини ҳам қадрламайди. Очгини айтиш керак, элнинг ризку насибаси бўлмиш экин майдонларини яйлов билан, пахтазорларга мол-қўй ҳайдайдиган ноинсофлар ҳам топилди. Улар ўз оёқларининг тагини қўзлайдилар. Икки ой тер тўққан деҳқоннинг машаққатли меҳнати улар учун арзимас нарса.

АШУР ОТАНИ дала бошида дарғазаб ҳолда кўп курганман. Шимининг почасини қайриб оларди-да, пайкалга ўтган мол-қўйлари олдига солиб қувларди, кейин бепарволик қилган ҳайвон эгасини буралаб сўкарди. Бировлар уни ёқтирмасди, лекин кўпчилик унинг деҳқон меҳнатига ачинаётганини, азбаройи ҳосил тақдири учун шундай қилаётганини биларди. Бир неча ой муқаддам Избоскан туманидаги «Шарқ юлдузи» жамоа ҳўжалигининг раиси Турсунбой Ҳожақабаров қишлоқда тут қўчқатлари баргини егизаётганлар ва экин майдонларига ҳайвон ҳайдаганлар учун жарима белгилади. Ҳамқишлоқларининг айримлари уни қаттиққўлликда айблашди. Шунда ҳам андишанинг отини кўрқоқ деб билганлар ўз йўлларидан қолишмади. Раис чора кўрди. Бошвогини йўқотган ҳайвонларни ҳўжалик фермаси молларига қўшиб юборди.

— Жаримани тўлаб, энди бу ҳол такорланмайди, деб... Ҳа, берсангиз, мол сизники, — шарт қўйди у.

Республикамиз Президентининг «Экинларни пайҳон қилишга қарши курашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонининг эълон қилиниши Турсунбойга ўхшаган минглаб деҳқонларни қувонтирди.

Ахир минг машаққат билан парвариш қилинаётган ниҳоллар миришкор учун ўз фарзандидай азиз, қадри. Андижон вилоятида дастлабки кунларда қишлоқ прокурори, адлия катта маслаҳатчиси У. Шамсиев раҳбарлигида штаб тузилди. Жойларда 131 та қузатув ҳамда 96 та отлиқ постлар ташкил этилди. Уларга 315 миллион ходими бириктирилди.

Кўза кунда эмас, кунда синади, дейдилар. Миришқаблар дала айланганда Булоқбоши туманидаги Улуғбек номи жамоа ҳўжалигида чидаб бўлмайдиган манзарага дуч келишди. 13 гектардаги ям-яшил бўғдойзорда 150 бош қўй ўтлаб юрарди. Ҳайвон эгаси Абдумажид Мирзаевнинг эса парвойи палак. Унда на инсоф, на виждон бор. Ахир галлари нобуд қилиш, дастурхондаги нонни оёқ ости қилиш эканлигини наҳотки билмасан?

У «қассобга ёғ қайғуси» қабилда иш тутиб жамоа ҳўжалигига 68.676 сўм моддий зарар етказди. Унинг устидан жиноий иш қўзғатилди. Марҳамат туманидаги Охунбобоев номи ширкатлар уюшмасининг чўпони М. Тўрақулов 160 бош қўйни полиз экинларига ҳайдаб юбориб яна баҳона излайди: маъсулиятсизлиги туфайли

шундай бўлганимиш. Воажда, Турақуловга ўхшаган кимсаларнинг боқибегамлиги гоаят қимматга тушишини наҳотки ўзлари билишмасан? Жарақ-жарақ жарима тўлашсин, шунда уларнинг кўзлари мошдек очилиши тайин.

Комсомолобод туманида 11 нафар фуқаро 28 бош ҳайвонни бўғдойзорларга ҳайдаб юборибди. «Оқ олтин» ширкатлар уюшмасидаги 16 гектар галла майдонининг 0,63 гектари пайҳон қилинди. Бўз, Балиқчи, Андижон, Асака туманларида ҳам худди шундай қўнғилсиз манзараларга дуч келинди. Ўтказилган рейд давомида 518 та чорва ҳайвони 18 гектардан зиёд майдонни пайҳон қилгани аниқланди. Чорва эгалари жазоланди.

Бундай ноинсофлик юрагингизда оғриқ уйғотади. Ахир юртбошимиз қайта-қайта таъкидлаганларидек, галла мушаклигига эришмай туриб, иқтисодий мушакилликни тасаввур қилиш қийин. Қушқондан чиққан шахсларга раҳм-шафқат қилмаслик керак. Уларнинг қилмишлари жамоатчилик ўртасида муҳокама этилмоқда. Маҳаллий матбуотларда уларнинг ҳақиқий афти-ангори очиб ташланапти. Ўз қобилигига ўралиб қолган кимсаларнинг йўлига ғов ташланмоқда. Зеро, тинимсиз олиб борилган ишлар ўз самарасини берапти.

Ф. ШОДМАНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекининг хўй яхши одатлари бор -- меҳмондўстлик, ҳўжатарорлик, етим ва муҳтожларга меҳру мурувватлик. Бу сифатлар 1941--45 йиллардаги уруш даврида Ўзбекистонга кўчирилган минглаб ўзга миллат вакиллари ўз тунишганидек қабул қилиб олинишда, 1966 йилги энлиладан сўнг юртимизга қардошлик ёрдами кўрсатиш мақсадида келган юзлаб қурувчиларни шу ердан Ватан топиб қолишларида янада сайқал топди.

Ҳозир юртимизнинг қайси худудига борманг, кўп миллилатли қардошлар оиласи ўзаро тотув яшаётганлигининг гувоҳи бўласиз.

Ҳар гал ҳурматли домламиз, илм-фан соҳасида, давлат ва халқ ҳўжалиги ишларида иқтидорли мушакисс бўлиб етишган юзлаб кечаги талабаларнинг устози жаҳон тиллари университети доценти Краус Йоханнинг ғам-хўрлиги, меҳр-оқибатлигига назар солганимда, ўзбеклар билан ёнма-ён яшаб, ўзбекча урф-одатларни, халқона сифатларни нақадар ўз шуррига сингдира олганидан ҳайратта тушаман.


Олий ўқув юртлиридаги ўқитувчиларнинг ҳаммаси ҳам, толиб ва толибалар учун устоз. Аммо домланинг ўрни бошқа.

Тақдир тақазоси билан камина домланинг хонадонларида ўн йилдан кўпроқ истиқомат қилдим.

Қиш кунларининг биринчи қаттиқ шамоллаб, касалга чалиниб ётиб қолдим.

Дарсларда кўринмай қолганим сабабли дом-

ла (унда бизга дарс бермасдилар) мени суриштирганлар шекилли, Маманазар дўстим бир ку-



ни домлани етаклаб келиб қолди. Касалхонага боришга кўнмаганим учун у киши уч ҳафта давомида ўзлари кунора дори-дармон, дурустроқ озиқ-овқат топиб келиб мени оёққа турғаздилар. Кейин эса, энди бу ерда қолсанг яна шамоллаб қолсан, юр бизниқига, -- деб, мени ўзлари ижара олиб яшаётган уйлари қўйрада-қўймай олиб кетдилар. Ушанда мен иккинчи курс толиби эдим.

Ўзбекистондаги олий ўқув юртлирида ва ўрта мактабларда устоз «Краус методикаси» билан олмон тилида малакали мушакисслар тайёрлаб бе-

раётган қатор миллий кадрларимиз борки, уларнинг аксарияти қарера бўлмасин Крауснинг шоғирди эканликларини нафақат таълим ёки илмий соҳада, ҳатто инсонийлик, камтаринлик, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, маданий муомиллада ҳам билдириб турадилар.

илм даргоҳи қошидаги тил маркази директори, педагогика фанлари номзоди Ибодулла Илясов, катта ўқитувчи Салимжон Жаббаров, жумҳурият ўрта мактабларида «Краусча услуб» билан ўқувчилар қалбига олмон тилини жо қилаётган хаттирчилик Маманазар Хусанов, фарғоналик халқ

расида орттирган тажрибаларини умумлаштириб, методик ва ўқув қўлланмалари шаклида нашр эттирдилар. Дастлабки ўқув қўлланма («Майне Хауэлекторе») қўйи курслар талабаларини олмон адабиёти намуналарини ўқий билишига ўргатувчи манба бўлиб, бу китобни яратишда шарҳум олмоншунос Шариф Рўзиевнинг ҳам хизматлари катта бўлган. Қўлланмада ўзбекчадан талабаларни илк бор олмон адабиёти намуналарини устида мушакил ишлаш, матн мазмунини қайта сўзлаб беришнинг имкониятлари, оддийликдан мураккабликка ўтиш принциплари асосида қурилган машқлар, олмонча-ўзбекча дуглар берилганки, талабаларнинг оғзаки ва ёзма нутқ кўникма малакаларини шакллантиришда бундай қўлланманинг хизмати беқийсдир.

Биз ўзбекистонлик олмоншунослар домла Краусдек билимдон, одамхўн, ўта камтарин, республикамиздан ташқарида хизмат қилаётган етакчи мушакисс таржимонлар домланинг айнан талабчанлиги туфайли ўз касбининг устаси бўлиб етишдилар. Устоз Краус олмон тилининг турли соҳалари -- лексикология, газета тили, оғзаки ва ёзма нутқ, матн таҳлили каби қатор фанларни ўқитиш бо-

Хуррам РАҲИМОВ.

САХОВАТЛИ ОЛИМ

Домланинг мурувват ва билимларидан баҳраманд бўлган ўзбек олмоншунослари орасида бир қатор етук мушакисслар етишиб чиққанлиги ҳам устоз Крауснинг ўз шоғирдларига таълим бериш жараёнида нақадар талабчан бўлганликларидан далолатдир. Андижон тиллар институтининг ректори, профессор Мухторхон Умархўжаев, Хоразм педагогика институтининг олмон тили кафедраси мудири Отабой Жуманиев, шу институт доценти, филология фанлари номзоди Роҳатой Оллоёрова, Самарқанд Давлат университети профессори Баҳодир Ризаев,

маорифи аълочилиси Жўрабек Ҳақимов ва Ҳошимжон Ҳайдаров, писантлик Фотима ва Зўра Юсупова, жомбойлик Камариддин Салоҳиддин, Гулнара ва Муборак Раҳимовлар, мамлакатимиз олий ўқув юртлирида ишлаётган ўнлаб олмоншунос ўқитувчилар республикамиздан ташқарида хизмат қилаётган етакчи мушакисс таржимонлар домланинг айнан талабчанлиги туфайли ўз касбининг устаси бўлиб етишдилар.

Устоз Краус олмон тилининг турли соҳалари -- лексикология, газета тили, оғзаки ва ёзма нутқ, матн таҳлили каби қатор фанларни ўқитиш бо-

ШАҲАР ВА ҚИШЛОҚ ТЕЛЕФОН ТАРМОҚЛАРИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Телефонларнинг нормал ишлашини таъминлаш ва электр алоқаси корхоналарининг ашёлар ва хизмат тўловларини вақтида амалга ошириши учун шароит яратиб бериш мақсадида «Ўзбектелеком» концерни барча абонентларни абонент тўловлари бўйича мавжуд қарзларни 1994 йил 25 декабр гача ҳамда халқаро ва шаҳарлараро сўзлашув учун сўчларни вақтида тўлашни сўрайди.

Эслатиб ўтамиз: шахсий фойдаланишдаги асосий хонадон телефонлари учун ойига 12 сўм, қўш ва параллел телефонлар учун 9,60 сўм. Абонент тўловларини ёки сўчларини вақтида тўламаганлик учун телефонни узиб қўйиш ёки олиб қўйишнинг олдини олиш мақсадида ўз бурчингизни вақтида адо этиб боришингизни сўраймиз. Телефон сўчларини вақтида тўлаб борсангиз ўзингизга фойда! «Ўзбектелеком» концерни.

Қуришни учун **БҮР** Табиий бойлиқлар

Ташкилот **Ташкентдаги олиборишдан ММ-1 табиий бойлиқдан, 40 кило**

қонга жойланган БҮР собади.

Вагонларда етказиб бериш юзасидан шартномалар тўзади.

1 тоннаси - 10 000 сўм.

Ташкентдаги телефонлар: (3712) 67-66-05, 67-65-46.

БОЛАЛАР КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДА

Мамлакатимиз Ташқи ишлар вазирлигида халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти ва республика ҳўкумати узаро келишувига мувофиқ келажакдаги ҳамкорлик ишлари режалаштирилган ҳўжатлар имзоланди.

Ўз ҳаракат дастурига кўра, ривожланаётган мамлакатлардаги миллионлаб болалар ва оналар саломатлигини тиклашга ёрдам кўрсатиб келган бу ташкилот 1946 йил декабрь ойида «Болаларга ёрдам кўрсатувчи фавқулодда халқаро жамғарма» номи билан ташкил топди. Ана шундан буён жаҳон болалари саломатлиги йўлида хайрли тadbирларни амалга ошириб келмоқда. Ҳозирги кунда жамғарма маблағларининг учдан икки қисми саломатликни тиклашга, озиқ-овқат таъминоти, таълим-тарбия соҳаларига сарфланмоқда. ЮНИСЕФнинг Марказий Осиё регион бўйича вакили жаноб Эркем Биребдин ҳўжатларни имзолаш маросимида қўйилганларни алоҳида таъкидлади:

— Ушбу ҳўжатларнинг имзоланиши туфайли Ўзбекистон бутун дунёдаги болалар келажакни мушакамлаш борасида ўз халқаро ҳаракатларини жонлантириш сари муҳим қадам қўйди. Шу билан бирга бутунги маросим тарихий воқеликка айланиб қолди.

Ш. ҚАРИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ТАЛАБАЛАР ТАШАББУСИ

Марғилондаги тижорат техникуми 2-босқичининг 253-гурухи талабалари ташаббусининг мағзи шундай: бир гурух талабалар ўртача 50--60 сўмдан пул тўплашиб, энг зарур газеталарни ётоқхона ёки хонадонларда эмас, балки ўқув қароргоҳларида қабул қилиб олишди. Нашрлар навбатма-навбат ўқилади, шу ернинг узида тахтам қилиб борилди.

Ҳозиргача марғилонлик тижоратчи-талабалар «Фаргона ҳақиқати», «Марғилон ҳақиқати», «Савдогар» газеталари билан бир қаторда «Халқ сўзи»га ҳам обуна бўлишни қизгин давом эттириптилар.

Уларнинг ташаббуси фарғоналик талабалар орасида кенг ёйилмоқда.

Набижон СОБИР,
«Халқ сўзи» мухбири.

"ВЛАД"
АКЦИОНЕРЛИК ЖАМИЯТИ
(Москва шаҳри)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДАН РОССИЯГА КОРРЕСПОНДЕНТЛИК ТАРМОҚЛАРИ ОРҚАМИ МАҚБУЛ КУРС ВА МУМКИН ҚАДАР ҚИСҚА МУДДАТЛАРДА ТўЛОВЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИ ДАВОМ ЭТТИРМОҚДА

Маълумот учун телефонлар:
Москвада (095) 217-65-34, 217-65-49
Тошкентда (3712) 41-38-61, 41-02-41 (қўшимча 3-44)

"Гарант"
кичик маркази турли хилдаги асинхрон электр двигателларини бозор баҳосидан 50 фоиз арзон нархларда сотади.
Тел: 54-87-08, 54-86-32, 54-86-12.
Янги реквизитларимиз:
АК Ҳавабанкдаги ҳисоб рақами 300467223.
Тошкент шаҳар Ойбек клирингт марказида МФО 172648706, кор. сўчти 700161406.

Диққат: кимошди савдоси !

Ўзбекистон давлат мулк қўмитаси ва Республика кўчмас мулк биржаси Тошкент шаҳрида автомобил ёкилиги қўйиш шаҳобчаларининг кимошди савдосини ўтказди.

27 декабр кўни ишлаб турган 3та АЁҚШ савдога чиқарилади:

- 59-АЁҚШ — Собир Раҳимов туманида, Чўқурсойда, 1—автокорхона рўпарасида жойлашган. Майдони — 0,06 га, ёқилни сивдириш хажми — 16 куб. м. Боиланич нархи — 850 000 сўм.
- 73-АЁҚШ — Ҳалқа йўл ёқаси, Бўзсўвнинг қирғоғи, Юнусободнинг 18-дахаси қаршисида жойлашган, майдони — 0,06 га, хажми — 90 куб. м. Боиланич нархи — 950 000 сўм.
- 81-АЁҚШ — Сирғали йўлининг боиланишида жойлашган, майдони — 0,06 га, хажми — 77 куб. м. Боиланич нархи — 950 000 сўм.

29 декабрь кўни қурилиши тугалланмаган 4 автомобил ёқилги қўйиш шаҳобчасининг кимошди савдоси ўтказилади.

Булар: 1. Савбон-Охунбобоев жўйлашида ҳамда 2. Ибн Сино мавзесида жойлашган АЁҚШдир.

Ҳар бирининг майдони 1,2 га бўлиб, 125 куб. метр хажмли ерости резервуарига эга. Ҳар бирини машиналарни ювиш, мойини алмаштириш, таъмирлаш хоналари ва жиҳозлари, дўкон ва қаҳвахоналари бор.

Қурилиши 80 фоиз тугалланган.

Ҳар бирининг боиланич нархи — 8 млн. сўм.

3. Савбон-Набиев кўчаларида қурилаётган АЁҚШ. Майдони 1,2 га, 25 куб метрли 3та ерости резервуари, техник ва маиший хизмат кўрсатиш иншоотлари қўзда тутилган. Қурилиши 40 фоизга бажарилган.

Боиланич нархи — 2,5 млн. сўм.

4. Оҳангарон шоссесида қурилаётган АЁҚШ, майдони 1,7 га, ерости резервуари хажми — 125 куб. м. Қурилиши 40 фоиз бажарилган.

Боиланич нархи — 2,0 млн. сўм.

Республика кўчмас мулк биржаси,
Тошкент, Маяковский кўчаси, 6-уй.
Телефонлар:
67-32-71, 67-24-63, 39-45-46.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ, ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР ВА УЛАРНИНГ ОТА-ОНАЛАРИ ДИҚҚАТИГА !

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ ҚОШИДАГИ РЕСПУБЛИКА ҲўЖАЛИК ХИСОБИДАГИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ МАРКАЗИ ОЛИЙ ҲОҲЛАР ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРУВЧИЛАР УЧУН ТАЙЁРЛОВ КУРСЛАРИГА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ !

Марказининг асосий мақсади:

- ўқувчиларнинг билим даражасининг ошириши ҳақдаги ишловдан ва қобилиятини йилларни таълим олиш ва илган йилларни;
- умумтаълим мактаби ҳажмида билимларни тўқулаштириш, тақиниш ва ўқитишнинг профессор методларини қўллаш;
- шахсини алоҳида қобилиятлари ҳақда касб таълимда ёрдам бериш;

Марказда дарс бериш учун Олийгоҳларнинг олий даражали ўқитувчилари ва математика, физика, кимё, тарих, ижтимоий фанлар, она-тили ва чет тиллари фанларидан йирик мушакисслар жалб қилинган.

Ўқувчиларнинг ва ўрта махсус ўқув юртининг мушакиссига монанд умумтехникани, умумиқиссий, гуманитар ва табиий мушакисслик бўйича гуруҳларда махсус тайёрланган дастур ва тест синонларига тайёргарлик услублари асосида ўзбек ва рус тилларида таълим қилинган.

Ўқув жараёни давомида тайёрлиги тест ўтказиб турилади, унда марказ ўқитувчилари томонидан ўқувчиларнинг тайёрлиги ҳақда ва ўқувчилар билимининг қўлқўрилганлиги ўтказиб турилади.

Ўқув жараёни тугалганда таълим мушакисслик блокни кўриб, ҳамма фанлар бўйича ўрта мактаб билими ҳажмида тест синонларни ўтказилади.

Муваффақиятли тугатганларга маълумотнома берилди.

Ўқув кундузи ва кечки вақтларда олиб борилди:

- 6 ойлик дастур бўйича 1995 йил 1 январдан,
- 3 ойлик дастур бўйича 1995 йил 1 апрелдан.

Ўқув учун тўловлар мулкка эгаллик қилишнинг ҳамма шаклидаги корхона ва ташкилотлардан, шунингдек яқка тартибда фуқаролардан шартнома бўйича қабул қилинади.

Ўқув учун тўловлар қайтарилиб берилмайди.

Марказда ўқув учун ҳамма ҳоҳловчилар қандай маълумотга эга бўлганликларидан, ёшлари ва қандай касба ишлашларидан қатъий назар қабул қилинади.

Бизнинг манзилимиз: Тошкент шаҳри, 700070, Яққасарой тумани, Ш.Руставели кўчаси, 25-уй.
Телефонлар: 55-59-47, 54-54-97, 54-54-98.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ раҳбарлиги ва шаҳри тарихи Раёсатининг маъруза вазирининг ўринбосари, полковник Б. Э. Қосимовга оғаси Эргаш ҚОСИМОВнинг вафот этганини муносабати билан чўқур таъзия изҳор қилди.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН

Қушларнинг овози ҳеч қимга ҳалақат бермайди, лекин уларга айнан тақдир қилишнинг иложи йўқ. Эҳтимо, шунинг учун ҳам қушларнинг овози жонимизга теғмас...

Тан олиш керак, «БУЛБУЛЧА» бадий хор жамоасининг қўшиқларини тинглаганда, беҳишёр чехрамиз ёрнинг, юзимизга табақасун югуради. Болаларлар қушчалар нисол ўзларининг табиий ва ширали овозлари билан сизу бизни сеҳрлаб қўяди.

Бирок шу митти қушчаларнинг номини олган жамоада уч ёшдан ўн ёшгача бўлган 700 нафар ўғил-қиз фаолият кўрсатишини ҳамма ҳам билвермайди. Бир-бирдан ширин, бир-бирдан байрон бу кичкинтойларнинг раҳнамоси Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон халқ маорифи аълоҳиси Шермат ЁРМАТОВдир.

Шермат ака қарийб 35 йилдан буён санъатсевар болалар орасида. Устоз «БУЛБУЛЧА» тўғрисида ўз фарзандларини тақдирини учун қайғурётган отадек қуйиниб гапирди. Айни пайтда Шермат ЁРМАТОВ юзга яқин қўшиқлар муаллифи, минглаб зиёда хилма хил қуй ва қўшиқларни Ўзбекистон телерадиокорпорациясининг олтин фонди учун ёздиришдек улуғ ва санолиб ишнинг улдасидан чиқолган инсондир.

Шермат ЁРМАТОВ хур республикамизнинг илк ғанини «СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН» орди билан тақдирланди.

Шермат ака, республикамиз Гимни фарзандларимизнинг энг сеvimли қўшиғи бўлиши ва уни болалар мароқ билан ижро этишлари керак. Уни «БУЛБУЛЧА» қўйлаб берса ва тез-тез эшиттирилса, мадҳиямиз кичкинтойларимиз кўнглига тезроқ ва тиравроқ жо бўлармиди, деган фикрдаман.

Агар кўрган бўлсангиз, «БИРГАЛИКДА ҚУЙЛАЙМИЗ» кўрсатувиининг бир соини гимнга бағишлаганимиз ва устоз Мутал БУРҲОНОВдан кеchирим сўраб «БУЛБУЛЧА» гимнини бир парда пастроч пардада қўйлаб берган. Сиз айтгандек, мамлакатимиз мадҳияси тез-тез болалар тилидан қуйлаб турилса яхши бўларди. Мен ҳам гимнимизни ўзига хос пардаларда «БУЛБУЛЧА» билан қўйлаб ёздиришни ниёт қилиб турибман.

Овоз асраш, унга шикаст етказмаслик учун нималар қилиш мумкин?

Биласизми, болаларда овоз бўламлири ниҳоятда нозик бўладики, уларни қучатириб, бор овоз билан қуйлатиш мутлақо мумкин эмас. Акс ҳолда, жароҳатланган овозни тиббий йўллар билан даволаб бўлмайди.

Шунинг учун баалоғат ёшида -- қизлар билан ўғил болаларининг овозини алоҳида-алоҳида тарбиялаш зарур. Болалик овозидан ўсимирлик овозига ўтилаётганда овоз бойламлири икки баравар

ЁҚИМЛИ ОВОЗ ҲАМ БАХТ

кенгайиб кетади. Бу вақтда ота-оналар ҳам, мусиқа ўқитувчилари ҳам ниҳоятда ҳушёр бўлишлари керак. Йўқса, болани бор имкониятдан қамқаб олиб қўйишлари мумкин.

Унингизта маълум, ўсимирларни тиббий қуриқдан ўтказиш одат тусига кирган. Нега энди биз фарзандларимизнинг овозини текширтириб кўрмаймиз, сақлаб қолиш учун ҳаракат қилмайми? Ахир хириллаган, дўриллаган овозлар баалоғат ёшида йўл қўйилган хатоларнинг меваси-қу! Соғлом одамнинг овози ҳам гўзал ва ширали бўлиши керак, деб ўйлайман.

Бир сўз билан айтганда, ёқимли овоз ҳам жуда катта бахт. У қўшиқ айтиш учунгина эмас, одамлар билан ўзаро муносабат ва муомала учун ҳам зарурдир.

Юртимиз мустақиллигини қўлга киритганига уч йилдан ошди. Шу вақт мобайнида «БУЛБУЛЧА»да қандай ўзгаришлар рўй берди?

Бир нарсадан хурсандманки, айрим қўшиқларни мажбурий қуйлаш азобидан

қутулдик. Биз илгари Европа классикаларининг бирор асарини ижро этмай туриб, саҳнага чиқолмасдик. Бундай мураккаб асарларни ўрганиш жараёнида фарзандларимизнинг мусиқий саводхонлиги ошади, албатта. Лекин ўзи тушунмаган, суймаган қўшиқни ижро этиш ҳар қандай одам учун огир-да! Қолаверса, биз Европа услубида овозни зўрма-зўраки увиллатиб, халқимизни хордан бездириб қўйганмиз. Бизга хор ҳам, опера ҳам керак, агар улар миллийлик билан йўрилган бўлса! Бу жанрлар ривожланган мамлакатларнинг барчасида санъат асари ҳисобланади. Ахир «МАЙСАРАНИНГ ИШИ» операсида асосий

қуйлатиш тарафдориман. Қолаверса, жойларда мусиқий тарбия бўлаётган кетган. Мусиқани илмий жиҳатдан таҳлил ва тарғиб қиладиган даргоҳлар йўқ ҳисоби. Шуларнинг оқибатида соф ўзбекча мусиқаларимиз камайиб кетаяпти: қуйларимизга ё эрон, ё афгон, ё ҳинд оҳанглари арашиб қолаяпти. Болалар учун яратилаётган қуй-қўшиқларга келсак, ҳозир шункур десак бўлади. 60-йилларда бастакорларимизнинг кетидан ялиниб юрардик. Улар болаларнинг имкониятларидан беҳабар юқори пардада асарлар яратиб беришар ва уларни кичкинтойларга қуйлатиб, боя айтганимиздек, хунук хатолик

дик. Биз ўша пайтда бу сеҳрли қуй учун миллион сўм беришга ҳам розийдик. Мусиқанинг кучини, унинг инсон кўнглига кўринмас йўллар орқали оқиб киришини ўшанда ростмана сезгандим, шеклиди. Анвар ака кейинчалик ўша воқеани тасвирлаб, «Най навоси» деган яхши бир ҳикоя ҳам ёзган. Кимнингдир кўнглида қандай йўл билан бўлмасин, санъатга заррача иштиёқ уйғотолган кишини улуғлатим келаверади.

Фарзандларимизга тилакларингиз...

Халқимизнинг энг катта бахти унинг меҳнатқашлигидир. Биз 4, 5 ёшларимиздан оналаримизнинг ёнида юриб пахта терардик. Маана, кам бўлмадик, мажрўҳ ҳам эмасмик. Мен ўйлайманки, меҳнатни севамаган киши, ватани ҳам, халқини ҳам севомайди, бойликнинг ҳам, хурликнинг ҳам қадрига етмайди. Шунинг учун мен энг аввало, фарзандларимизнинг соғлом ва меҳнатқаш бўлиб улгайишларини истаيمان.



Риштон бадий кулолчилик буюмлари заводи ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар нафақат республикамизда, балки АКШ, Бельгия, Япония, Олмон ва қорағиё давлатларда ҳам харидордир. Маҳсулот турларини қўпайтириш, сифатини яхшилашда заводда

ташқил этилган ижодий гуруҳ рассомларининг ҳиссалари катта бўлмақда. СУРАТДА: ижодий гуруҳ аъзоси, Ўзбекистон халқ рассоми, юзлаб ёшларнинг меҳрибон устози Иброҳимжон Комиллов. Т. ҲАМРОҚУЛ олган сурат.

роллари Карим ЗОКИРОВ билан Саодат ҚОБУЛОВА қўйилмақом қилиб ижро этишган-ку! Истиқлол шафрати билан миллий оҳанглариимизни, халқ услубларини хорга олиб кираётганимиз аини мудоао бўлди, деб ўйлайман.

Халқимизнинг болажонлиги унинг қўшиқларида ҳам яхшигина акс этган. Узоқ тарихга эга бўлган болалар қўшиқларини биламиз. Мен мухтаассие эмасман. Лекин шундай бўлса-да, кичкинтойларимиз руҳиятидан келиб чиқиб ижод қилаётган бастакорларимизнинг камлигидан, борлари ҳам у қадар машхўр бўлиб кетишмаётганидан ўқинаман. Ахир Шананскийни бугун дунё танийди-ку!

Бунга асос бор. Ҳозирги қўшиқчиларнинг кўпи бастакор бўлиб кетишган. Лекин мен бастакор қўшиқчиларимиз ҳам бўлишини истардим. Афсуски, бу орзум орзулигача турибди.

Бунга сабаб мусиқа мактабларида асосан чалишни ўргатишди, мен эса кўпроқ

ларга йўл қўйишарди. Ҳозир профессионал бастакорларимиз ҳам бизга қўшиқлар ёзиб беришаяпти. Масалан, Мустафо ВАФОВЕВнинг «БУЛБУЛЖОНИМ ҚУЙЛАГИН» қўшиғини унча-мунча беш-унта ашулага алмаштирмайман. Аваз МАНСУРОВ, Нодим НОРХУЖАЕВ ҳам кўпчиликнинг дилига мос, ўзига хос қуй ва қўшиқлар яратишгаётгани жуда қувонардик, биз улардан ниҳоятда миннатдорим.

Бундан 30 йил олдин рўй берган бир воқеани эсламоқчиман. Ушанда Алижон Ҳасанов билан Анвар Исроилов бизникига, Фарғонанинг Логон қишлоғига меҳмон бўлиб боришганди. Ёз пайти. Кечаси ҳовлидаги сўрида чойлашиб, пургитлашиб ўтирибмиз. Бир пайт узоқдан -- мазор томондан най овози эшитилиб қолди. Ярим тунда най овози шундай ширали таралардики, биз ўзимиз ҳам сезиб-сезмай мазор томонга йўл олдик. Лоиларга ботиб етволгач, мазорнинг бир чеккасида ўтириб, найнинг навосини тингла-

Шермат ЁРМАТОВ бугун ҳам болалар даврасида. У катта саҳналарда, дабдалаби тўйларда саз чалиб, қўшиқ айтмаяпти. Ҳолбуки, унда шундай имконият ҳам йўқ эмас. Лекин устоз ўз тақдирдан мамнун. Вақти бироз тигизлигидан, кўп юмушларга улгуромайганидан зорланиб қўяди, холос!

Ўзбекистон ойна жаҳонининг «БУЛБУЛЧА» хор студиясига қаддини етти кунда ҳам болажонлар ошиқиб келади. «Булбулча»нинг бобоси уларни қучоқ очиб қутлиб олади. «Кани, болажонларим, -- дейди у меҳр билан, -- энди ашулани биргаликда қуйлаймиз!». Шермат ЁРМАТОВ ўргатаётган қўшиқни нафақат «БУЛБУЛЧА»нинг булбулчалари балки мамлакатимиздаги минглаб кичкинтойлар зақ билан қуйлай бошлайдилар.

Замира ЭГАМБЕРДИЕВА, «Халқ сўзи»нинг жамоатчи муҳбири.

СПОРТ

Маълумки, ҳар бир миллий ўйинда халқнинг маънавияти ҳам акс этади, уларнинг бошқалар томонидан қабул қилиниши эса чексиз эҳтиромнинг маҳсулидир. Миллий ўйинларнинг жаҳон миқёсидаги халқро мусобақаларга айланиши фахрланарган воқеа.

Ҳўш, бугунги кунда жаҳон миқёсида ўтказилаётган спорт мусобақалари орасида «ўзбекларники» деган тур мавжудми? Гарчи, бу борда мақтана олмаёсак, узоқ ўтмишга эга миллий ўйинларимиз борки, айни дамда биз уларнинг тарихини чуқур ўрганиб, Ўзбекистоннинг мустақиллиги шарофати билан халқро майдонга олиб чиқсак арзийди.

Дунёдаги ҳар бир миллатнинг ўз миллий кураши бўлганидек, бизда ҳам фарғонача ва бухороча деб номланган миллий кураш турлари мавжуд.

Миллий кураш Темурийлар замонида, ундан олдин ва кейинги даврларда халқнинг сеvimли спорт ўйинларидан ҳисобланган. Кураш соҳасида оламга довг тартган ўзбек полвонлари тарих саҳифасида ўчмас из қолдирдилар. Бундай курашчилар номига «полвон», «пахлавон» сўзлари уйғуллашиб кетган. Ўзбек адабиётининг забардаст шоири Паҳлавон Маҳмуд ўз даврининг энгилмас курашчиси бўлган.

Фарғонача ва бухороча кураш турлари бир-бирдан тубдан фарқ қилади. Венгриялик машхўр ёзуви Л. Куннинг «Умум жисмоний тарбия маданияти ва спорт» китобида фарғонача курашининг узоқ тарихга эга эканлиги айтилган. Бу спорт тури билан Эрон, Туркия, Ҳиндистон, Урта Осиё, яъни Турон ерларида шугулланишган экан. Бундан илҳом олувчи Л. Кун эраиздан III минг йил илгари Месопотамия еридан топилган, бронзадан қилинган икки одамнинг курашаётган ҳайкаласини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам бу ҳайкал фарғонача миллий кураш турининг ўзинасига ўхшайди. Бу кураш билан Европада ҳам шугулланишган. Муаллиф илҳом учун Женева шаҳрида 1857 йилда чиққан календар суратларини мисол қилади. Унда Швейцария қишлоқларида бизнинг курашига ўхшаш спорт тури билан курашаётган кишилар тасвирланган. Урта Осиё худудларида кураш

мусобақалари Хасарларда ҳам ўтказилган. Масалан, Хитойнинг «Тан Шу» қўдаси асарига кўрсатилганича, Наврўз барамиди шаҳар аҳолиси икки гуруҳга бўлиниб, кураш тушганлиги

лар бўлиб ўтарди. Октябрь инқилобидан сўнг ҳам Ўзбекистоннинг турли бурчаларидан ва кўшни республикалардан машхўр полвонлар етишиб чиқди.

Собиқ Иттифок даврида ҳам миллий курашни ривожлантириш тўғрисида республикада бир неча қарорлар қабул қилинди, жумладан 1969, 1970, 1972, 1977 йиллар бу спорт турини ривожлантириш ҳақида қарорлар чиқарилган. Республика спорт қўмитаси 1970 йил 19 йунда миллий кураш бўйи-

Новчадан келган, саватли полвон, 105-110 кг. оғирликларда курашиб, 11 мартаба республика чемпиони, 5 мартаба Ўзбекистон мутлоқ гóлиби, 2 мартаба Урта Осиё ҳамда эркин кураш бўйича халқро турнир гóлиби бўлди.

Бугунги кунга келиб, юртимиз мустақилликка эришди. Биз қатори Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Қозғистон алоҳида мустақил давлат бўлди. Бу мамлакат полвонлари ўртасидаги бундан кейинги мусобақаларни халқро турнир десак муболага бўлмайди.

Яқин-яқингача Андижоннинг Буз туманида Меҳнат қаҳрамони Манноп Жалолов, Наманганда Қоратой полвон Юсупов, Тошкент вилоятининг Пискент туманида хизмат кўрсатган иригатор Тўйчи полвон Раҳимбоев, Тошкентда Аҳмад полвон Тolibбой ўғли ва Аскар полвон Отабоев хотира-сига бағишланиб халқро турнирлар ўтиб туради. Бизнингча, шу мусобақаларни яна қайта тиклаш вақти келди.

Мустақиллик шарофати билан миллий курашимиз мактаб ўқув дастурига кирди. Энди мустақил мамлакатимизда фарғонача ҳамда бухороча кураш тури дарс сифатида утилади. Янги қонда ва таснифлар ишлаб чиқилди. «Халқро спорт устаси» унвони жорий қилинди. Қўриниб турибдики, миллий курашимизга эътибор ҳамма спорт тури қатори бир хил.

Ҳозирги кунга келиб Қораой, Қалмиқ, Татаристон, Бошқардистон, Камчатка ярим ороли, Афғонистон, Жанубий Корея, Хитой, Япония давлатларида ҳам фарғонача миллий курашга ўхшаш белбоғли кураш мусобақалари ўтказиб турилади. Демак, бу курашни Осиё ўйинлари ва жаҳон миқёсида чиқарса бўлади, у аввало сиз билан бизга боғлиқ. Юртбошимиз И. А. Каримов шундай дейди: «Спорт -- спорт учун эмас, у энг аввало, одамлар учун, уларни ҳам жисмоний, ҳам маънавий жаҳатдан қомил инсонлар этиб тарбиялаш, унча, ер юзигаги барча кишининг тинчлик-ошойишталигини, дустлик ва ҳамкорлигини, бахти-саодатини учун хизмат қилиши даркор».

Носиржон АЗИЗОВ, спорт устаси.

«Ўзбекистон спорт устаси» унвонини таъсис этди ва янги спорт таснифи ишлаб чиқди. Бу ўз-ўзидан ҳамма спорт турлари қатори миллий кураш турига ҳам тенг ҳуқуқли имтиёз берди. Шундан сўнг Фарғонада миллий кураш мусобақаларига республикада эътибор янада кучайди.

1972 йили Ўзбекистон миллий кураш федерациясининг тасвииси билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз» деган унвон таъсис этилди. Бу ҳам ўз навбатида мураббийларнинг ўз устида кўпроқ ишлашига сабаб бўлди.

1970-85 йиллар фарғонача миллий курашининг энг ривожланган даври бўлди. Мана шу кўска вақт ичида республика миқдод кўплаб истеъдодли курашчилар етишиб чиқди. Худди шу йиллар Урта Осиё ёки ринчиликлари жуда қизқарди ўтди.

Фарғона вилояти полвонлари кўп мартаба республика биринчилигида жамоа ҳисобида гóлиб бўлишди. Булардан бири мархўм Рустам Топеновдир. У кўска умри давомида алоҳиёб галабаларга эришди.

ЯХШИ ДЕҲҚОННИНГ МОЙИ ҲАМ ЎЗИДАН, УНИ ҲАМ...

Тахтақўпир туманидаги «Жангадарё» жамоа ҳўжалигида ун тегирмини ишга тушди. Маҳаллий аҳоли «қораз» деб атайдиган мазкур иншоот воситасида жамоа ҳўжалиги аъзолари кунига 2 тоннага яқин бўғдойини ун қилиб олишмоқда.

Ҳайитғой АБДУСОДИҚ, «Халқ сўзи» муҳбири.

«Янги кун» Консорциуми ўз муҳрини ўзгартириши сабабли олдинги нусхаси ўз кучини йўқотган деб ҳисобланган.

ХАЛҚАРО МАЙДОНГА «НОМЗОД» ЎЗБЕК СПОРТИ

таъкидланади. Абу Али ибн Сино медицина жисмоний машқларнинг роли катта эканлигини илмий исботлаб берган. У ҳам ўша вақтдаги халқ миллий кураши ҳақида қимматли фикрлар қолдирган. Масалан, у шундай ёзади: «Кураш ҳар хил бўлган. Шулардан биттасида икки эркак бир-бирларининг белбоғларини ушлаб, унча тортади ва ҳар бири ўз рақибидан қутлишига интилади, ҳаракат қилади, лекин бири бошқасини қуйиб юбормайди. Икки эркакдан ҳар бири иккала қўли билан бошқасини қучоқлайди».

Мана шу мисоллардан биз ҳозирги замон миллий кураши қадимдан қўланиб келинганини биламиз. Шундай қилиб, Ибн Синонинг ёзишича минг йил илгари ҳам миллий курашининг икки тури бўлган.

Тарихдан бизга шу нарса маълумки, Чор Россияси Туркистонни забт этганидан сўнг Туркистон губернатори Янгин, сайлар ўтказишни қатъий таъқиқлаган. Чунки у маҳаллий халқнинг қўзғолон кўтаришдан қўчирди. Лекин, барибир, таъқиқлашга қарамай кураш

«Ўзбекистон спорт устаси» унвонини таъсис этди ва янги спорт таснифи ишлаб чиқди. Бу ўз-ўзидан ҳамма спорт турлари қатори миллий кураш турига ҳам тенг ҳуқуқли имтиёз берди. Шундан сўнг Фарғонада миллий кураш мусобақаларига республикада эътибор янада кучайди.

1972 йили Ўзбекистон миллий кураш федерациясининг тасвииси билан «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган устоз» деган унвон таъсис этилди. Бу ҳам ўз навбатида мураббийларнинг ўз устида кўпроқ ишлашига сабаб бўлди.

1970-85 йиллар фарғонача миллий курашининг энг ривожланган даври бўлди. Мана шу кўска вақт ичида республика миқдод кўплаб истеъдодли курашчилар етишиб чиқди. Худди шу йиллар Урта Осиё ёки ринчиликлари жуда қизқарди ўтди.

Фарғона вилояти полвонлари кўп мартаба республика биринчилигида жамоа ҳисобида гóлиб бўлишди. Булардан бири мархўм Рустам Топеновдир. У кўска умри давомида алоҳиёб галабаларга эришди.

Носиржон АЗИЗОВ, спорт устаси.

Advertisement for 'Чагалайн' LTD Co. featuring a woman in a dress and text: "Чагалайн" ЛТД Ко" фирмаси жаҳонга машхўр "Сазайи Окйай" фирмасида гиқилган шимларни Тошкентдаги омбордан улгуржи харид қилувчиларга арзон нархларда тақлиф қилади.



ХАЛҚ СЎЗИ НАРОДНОЕ СЛОВО

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши Раёсати ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир: Анвар ЖўРАБОВ.

БЎЛИМЛАР: Парламент 33-57-34; Хатлар 33-07-48; Қишлоқ ҳўжалиги 32-07-94; Иқтисодийет 32-36-65; Маънавият 32-35-60; Аҳборот 32-29-89; Тунги муҳарририят 33-10-28.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 19-уй. Навбатчи муҳаррир -- Р. Жумасев. Навбатчи -- Т. Долшев.